

АХМЕДОВ Хусниддин,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Малака ошириш маркази директори,
сиёсий фанлар доктори, профессор

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

КАЧЕСТВЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ – ВАЖНЫЙ КРИТЕРИЙ РАЗВИТИЯ

QUALITY EDUCATION IS AN IMPORTANT DEVELOPMENT CRITERION

Аннотация. Ушбу мақолада Янги Ўзбекистонда замонавий таълим-тарбия жараёнига қаратилаётганган эътибор, ундаги ютуқ ва камчиликлар, жамият талабидан келиб чиқиб таълим сифатига алоҳида эътибор қаратиш, ижтимоий фанларни ўқитиш ва гоёвий-сиёсий дунёқарашни ривожлантирувчи фанларга бўлган эҳтиёжни ошириш зарурат эканлиги, соҳани ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг аҳамияти борасидаги қарашлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, замонавий илм-фан, таълим сифати, олий таълим, ижтимоий фанлар, ислоҳот, тараққиёт, ёш авлод, ислоҳотлар самараси, таълим ва амалиёт.

Аннотация. В данной статье анализируется внимание, уделяемое современному образовательному процессу в Новом Узбекистане, достижения и недостатки в нем, особое внимание качеству образования в связи с запросом общества, необходимостью увеличения потребности в преподавании общественных наук и формировании идейно-политического мировоззрения, взглядов на важность сложившейся задачи по реформированию сферы.

Ключевые слова: образование, воспитание, современная наука, качество образования, высшее образование, социальные науки, реформа, развитие, молодое поколение, достижения реформ, образование и практика.

Abstract. This article analyzes the attention paid to the modern educational process in New Uzbekistan, its achievements and shortcomings, with special attention to the quality of education in connection with the demands of society, the need to increase the need for teaching social sciences, and the formation of an ideological and political worldview. It also offers views

on the importance of the current task of reforming the sphere.

Keywords: education, upbringing, modern science, quality of education, higher education, social sciences, reform, development, young generation, effect of reforms, education and practice.

КИРИШ

Бугунги дунёда ўқиган, замонавий илм ва ҳунарларни пухта эгаллаган, ўсиб келаётган ёш авлодини айни шу руҳда тарбиялаган халқлар, давлатларгина жадал ривожланмоқда, замон шиддатига уйғун равишда тараққиёт даражасига эришмоқда, десак муболага бўлмайди. Бу эса мазкур соҳада ҳам ислохотларни янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Замонавий таълим концепцияларида таълим сифати таълим натижаларининг давлат норматив талаблари, ижтимоий ва шахсий кутишларга мос таълим тизимининг интеграл хусусияти сифатида талқин этилмоқда. Республикамизда сўнгги йилларда яратилган ва бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ривожлантирилаётган таълим модели шахс, жамият ва давлат талабларига мос таълим сифатини таъминлашга қаратилган бўлиб, шахсга йўналтирилган ва компетенциявий ёндашувлар асосида амалга оширилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда “Таълим сифати” тушунчасини давлат таълим стандартлари ва давлат талабларида белгилаб қўйилган натижаларга эришишни таъминлайдиган таълим жараёни, таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар ҳамда таълим олувчилар тайёргарлигининг юқори даражаси сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, сифат тушунчаси таълим муассасаларида, хусусан, олий таълим тизимидан манфаатдор ваколатли ташкилотлар томонидан турлича қабул қилиниши мумкин. Янгиланаётган Ўзбекистонда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида устувор соҳаси ҳисобланган таълимнинг такомиллаштирилиши, биринчи навбатда, унинг таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, таълимни сифат жиҳатдан мазмунан янги босқичга эришишга жиддий эътибор қаратилган. Бу кўплаб йўналишлар бўйича ҳал этилиши кутилаётган ўта мураккаб, ҳал қилиниши зарур муҳим муаммодир.

Бинобарин, ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг ўзига хос шакли ҳисобланган таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, таълим тизимини такомиллаштириш ва бу борадаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади.

Шу ўринда, “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир” – десак муболаға бўлмайди. Буюк аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг “Заковат бор жойда улуғлик бўлади, билим бор жойда буюклик бўлади”, деган фикрида айна ҳақиқат айтилганлигини кўришимиз мумкин [2].

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг чиқишларини кузатар эканмиз ва асарларини диққат билан ўқиб ўрганиш жараёнида бир муҳим жиҳатни англаш мумкинки, бугунги ислохотларнинг бош мақсади Янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат экан, уни таълим сифатига алоҳида эътибор бермасдан қуриб бўлмаслигини тўлатўқис англаш ва ушбу йўналишдаги муҳим ишларни ҳар тарафлама сифатли ва самарали ташкил қилиш учун барча асосларга таяниш зарурлигидан далолат беради.

Таълим муассасаларида таълим-тарбия борасидаги долзарб вазифалар аҳамиятини чуқур англаш учун бугунги кунда тобора глобаллашиб бораётган дунёнинг мисли кўрилмаган суръатлар билан кескин ўзгариб бораётгани, шу билан бирга турли хил мазмундаги қутилмаган жараёнларнинг рўй бераётганига алоҳида эътибор бериш зарурати пайдо бўлмоқда. Кўплаб ижобий жараёнлар билан бирга, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ва мафкуравий хуружлар тобора хавфли тус олиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик, ислохотлар самараси ва тақдири учун ниҳоятда муҳим бўлган бундай мураккаб вазиятда тобора ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли ва бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш бугунги кунимизнинг кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маънан баркамол, юксак иқтидорли ва замон билан ҳамнафас, теран фикрлайдиган, Ватанимизга содиқ ёшларни тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бу борадаги асосий тамойил бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидланганидек: “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия

туфайли эришилади”. Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак” [2]. Бу, ўз навбатида, таълим сифатига эришиш зарурат эканлигини, бу борада барча бирдай жиддий ва қатъият билан ҳаракат қилиш зарурлигини, сифатли таълимга эришишни умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича бошланган ишлар янги босқичга кўтарилаётганлигини, янгиланаётган Ўзбекистонда мутлақо янгича мазмундаги замонавий таълим тизимини яратиш иши жадаллашаётганидан далолат беради. Таълим муассасаларида бошқарув тизимининг ривожланиб бориши, корпоратив бошқарув методларидан кенг фойдаланиш, моддий-техника базасини модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, масофавий таълимни ривожлантириш, таълим муассасаларининг халқаро миқёсда интеграциялашуви, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожлантирилиши таълим сифатини таъминлашда халқаро стандартлар талабларини жорий этиш инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида илмий салоҳият масалаларига жиддий эътибор қаратилаётганлиги, барча таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантиришга ҳукумат томонидан муҳим аҳамият берилаётгани, шу билан бирга, жуда кўплаб хусусий таълим муассасаларининг ташкил этилаётгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Бу каби миқдорий ўзгаришларнинг тараққиётга олиб келишини муҳим мезон сифатида эътироф этган ҳолда табиий жараён дейиш мумкин.

Айни пайтда таълим ва тарбия тизимини ислох қилмасдан, бунда ёшларимизни миллий қадриятларга содиқ, маънавий баркамол ва етук инсонлар бўлиб камолга етказишга эътиборни кучайтирмасдан, ушбу соҳага доир ишларда юксак самара ва юқори сифатга эришиб бўлмайди. Буни жадид боболаримиз ҳам ниҳоятда теран англаган ва шу йўлда тинимсиз ҳаракат қилган. Хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ойина” журналининг 1914 йилда чоп этилган 41-сонидagi “Мухтарам ёшларга мурожаат” мақоласида бу ҳақда

ёзилган қуйидаги сўзларига алоҳида эътибор қаратиш ҳозирги кунимиз учун аини муддао дейиш мумкин: “Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндулки, макотиб тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидир. Ҳар миллат, энг аввало, макотиби ибтидоийсини замонача ислоҳ этиб кўпайтурмагунча, тараққий йўлига кируб, маданиятдин фойдаланмас” [3]. Замонавий таълим соҳасининг энг асосий вазифаси бугунги кунда илм-фан ва ўз ихтисослиги асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни тарбиялашдан иборат ва бу ниҳоятда зарур амалиёт эканлигини юқоридаги фикрлардан англаш қийин эмас. Бугунги кунда таълим сифатига алоҳида жиддий эътибор қаратиш нақадар муҳим эканлиги, ёшлар онги учун кураш зарурати, ижтимоий фанларни аҳамиятини ошириш, бу орқали ёшларга ватанга садоқат, миллатга меҳр, қадриятларимизга садоқат, илмга ошнолик, китобга муҳаббат туйғуларини ривожлантиришимиз ҳар қачонгидан муҳим. Табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, ихтисослик фанлари бўйича энг билимли мутахассисларни тайёрлаш асосий омил экани ҳам шубҳасиз таълим сифатига билан узвий боғлиқлигини қайд этиш жоиз.

Шу ўринда, халқ ва жамият, миллат ва давлат манфаатларини кўзлайдиган, ўзини юрт манфаатлари билан бирга кўрадиган ва ислохотларга дахлдорлигини, ижтимоий масъуллигини сезадиган фуқаролар авлодини тарбиялаш учун турли даражадаги техник фанларнинг ортиб бориши ва уларга асосий фан сифатида ургу берилиши тарбия борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бугун таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни шунчаки расмийлик нуктаи назаридан ўқитиш кифоя қиладими деган оғриқли савол барчани бирдай жиддий ўйлантириши лозим. Модомики шундай экан, бунинг оқибатини бугун ўйламасак, бу ҳақда бугун бош қотирмасак эрта кеч бўлиши мумкин. Чунки тафаккури бир томонлама шаклланган, ўзидан бошқани ўйламайдиган, халқ, давлат ва жамият тушунчаларидан бегона бўлган ва бугунги кунда хорижий мамлакатларда “Бой берилган авлод” дея бот-бот айтилаётган ёшлар авлоди шаклланиб қолмайдими деган хавотирлар ҳам бугун барчамизни ўйлантириши керак.

Барчамизга яхши маълумки, таълимнинг миллий ривожланиш тизимида таълим-тарбиянинг ҳозирги ва ўтмишдаги ҳолатини

ўрганишда улар ўртасида ўзаро сабабият ва боғлиқлик мавжуд. Шу аснода мозийга бир назар ташлайдиган бўлсак, бундан 60-70 йил илгари, иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчилик ва моддий тақчиллик йилларида чет элларда ишлаб чиқилган ва асосан, “Ижтимоий фанлар ва ахлоқ таълимига пул тикиш зарур эмас”, деб ҳисобланган ва мутлақ ғоясизликка асосланган “Билимли авлод концепциялари”нинг оқибатлари қандай бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг афсус билан таъкидлаш жоизки, узлуксиз таълим тизимини гуманитарлаштириш, ушбу тизимда маънавий баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлган ижтимоий фанларни қанча микдорда ва қандай мазмунда ўргатиш бўйича яхлит ҳужжат ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг таълим босқичлари ва ихтисосликлар талаблари ва тамойилларига мослиги, таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар, олий таълим муассасаларидаги бакалаврият ва магистратура йўналишларинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқлиги ҳақидаги аниқ-тиниқ тасаввурлар тугал даражага етмагани аччиқ ҳақиқат, десак муболаға бўлмайди. Таълим тизимининг барча босқичларида бу борадаги замонавий концепцияни ишлаб чиқиш зарур эҳтиёж экани ҳаммамизга яхши маълум. Таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида қонунни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун аллақачон вақт ва эҳтиёж мавжудлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш масаласида ўта мафқуралашган ҳаёт талабларидан, ёшларнинг хоҳиш-истаклари ва қизиқишларидан йироқ, мавҳумликка асосланган мавзулар, тушунча ва кўпчиликка тушунарсиз тамойилларга асосланган эски ўқитиш тизимида қайтиш керак, деган фикрлардан мутлақо йироқмиз. Бундай бўлишига замоннинг ўзи ҳам, тафаккури тамомила ўзгарган исътедодли ва ҳар томонлама теран фикрлайдиган, дунёқараши замонавий билимлар билан йўғрилган ёшларимиз ҳам йўл қўймайди. Лекин, ота-боболаримиз анъаналарини давом эттирадиган, миллий қадриятларга содиқ, давлат ва жамият манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, устоз шогирд анъаналарини унутмайдиган, кенг тафаккурли ва фаол фуқаролик позициясига эга, масъулиятни тўғри англайдиган ва зиммасига қўрқмасдан ола оладиган маънавий

соғлом, сиёсий ҳушёр, эртанги такдирини Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги билан боғлайдиган баркамол авлодни шакллантириш учун бу вазифани бажаришда кўмак берадиган мазмунан тўлалигича янги ижтимоий фанлар тизимини яратиш зарур. Таълим ва амалиётнинг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлаш, кадрларни меҳнат бозорига тайёрлаш ва амалиётда ишлашга тайёрлаш, илм-фан ютуқларини таълимга кенг жорий қилиб бориш, таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, мустақил таълим турини амалиётга татбиқ этиш, таълим муассасаларида инновацион таълимни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Таълим муассасаларида таълим ва тарбияни узвийлигини таъминлаш, ёшларда юксак маънавий фазилатларга эга зиёли қатламни такомиллаштириш ва уларни шу руҳда тарбиялаш муҳим мезонлардан биридир. Бугунги кунда мақсад жамиятда олий маълумотли мутахассисларнинг сонини кўпайтириш бўлмаслиги лозим. Аксинча, таълим сифатини ошириш эвазига таълим муассасасининг имиджини яратиш, унинг жамиятдаги нуфузини оширишни таъминлаш, инновацион таълимни ривожлантириш орқали креатив фикрлайдиган ёшларни кўпайтириш ва шу орқали таълимда сифатни янги босқичга олиб чиқиш асосий мақсадимиз бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам таълим тизими сифатини оширишда инновацион фаолиятларга тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ -4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган [1]. Бу жиҳатдан 2030 йилгача узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси яратилиши ва амалиётга жорий этилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу

жиҳатдан азалий миллий кадриятларимиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган одоб-ахлоқ қоидаларининг бутунлай йуқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида маънавият ва маърифатга, ахлокий тарбияга эътибор қаратиш биринчи галдаги энг муҳим устувор вазифамизга айланиши зарурат эканлиги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим муассасаларида, хусусан, олий таълим тизимида сифатга эришиш унинг салоҳиятини, иқтисодий барқарорлигини таъминловчи кафолатдир. Жамиятда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли ёт ғоялардан асраш, уларни ҳар томонлама етук ва маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юкланганини англашимиз ҳамда бу йўлда садоқат ва фидоийлик билан ишлашимиз лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // <https://lex.uz/docs/4415388>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 22 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
3. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг «Ойна» журнали [Матн]: / З.Абдирашидов, Н.Эгамқулова. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2019. – 164 б.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2016.
5. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
6. Ахмедов Х. Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш асослари. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021.
7. Akhmedov X. Education and spiritual education. // The Light of Islam, 2020. – P. 139-144.
8. Темур тузуклари. – Тошкент, Ўзбекистон. 2019. – 184 б.
9. Қодирий А. Ўткан кунлар. –Т.: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2017.
10. Ғаззолий А.Х. Мукошафатул қулуб: қалблар кашфиёти. – Тошкент: Фафур Фулом, 2018.